



THE PLACE OF MEDIA EDUCATION IN THE FORMATION OF LIBRARY CULTURE.

Sabohat Kholmatova.

Independent researcher of UzPFITI

Annotation:

The article examines the advantages of media education, media pedagogy, media culture and literacy in the formation of a culture of reading among schoolchildren.

Keywords: reading culture, media education, media pedagogy, media culture, information resources, media texts, spiritual and moral values.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу кадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини ошириш устивор вазифа сифатида белгиланган. Зеро, Муҳтарам Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек "Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари қўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй, бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировни қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак". Шу нуқтаи назардан ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар асосий мезон бўлиши лозим.

Жамиятнинг ахборотлашуви, фан ва техниканинг тараққиёти ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим омил сифатида қаралмоқда. Медиатаълим орқали ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш уларда медиамаданиятни ва саводхонликни шакллантириш, маънавий-интеллектуал даражасини, нутқини, мулоқот қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

Медиатаълим китобхонлик маданиятини шакллантиришда у аввало ўқувчини мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини янада ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади. Яъни, ўқувчига ўқув жараёни ва дарсдан ташқари фаолиятида назарий билим бериш билан материалларни юқори даражадаги замонавий техника воситасида намоёниш этиш имкониятига эга бўлади.

Медиатаълим - педагогика назарияси ва амалиётида махсус билим соҳаси сифатида қаралиётган оммавий коммуникация воситаларини эгаллаш учун назарий ва амалий кўникмаларини шакллантиришдир. Китобхонлик маданиятини шакллантиришда медиатаълимнинг мақсади медиа ахборот тилини ўрганиш, ўқувчининг бадиий ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшиши, медиаматнларни қабул қилиш, ўрганиш ва малакали таҳлил этиш кўникмасини шакллантиради, ўқувчи онгида ахборотни тўғри шакллантириш

имкониятини яратади. Медиатаълим ўқувчиларда билим, маълумотнинг тез, тушунарли ва ёдда қоларли бўлишини таъмирловчи таълим усулидир, яъни ўқувчига оғзаки тушунтиришдан кўра, кўرғазмали воситалардан фойдаланиб тушунтириш уларнинг хотирасида кўпроқ сақланиб қолади.

Медиапедагогика- оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўқувчиларни ижодий фикрлашга, тарбиялаш ва медиапедагогика ресурсларига интернетдаги маълумотлар, телевидения, радио лавҳалари, кино, видео, аудио материалларидан иборат ахборот ресурслар билан характерланади. Медиа педагогиканинг ривожланиши ўз навбатида ўқувчиларда медиакомпетентликни шакллантиради.

Медиакомпетентлик – ўқувчи медиамаданиятининг узвий қисми сифатида гадаланиб, қадриятли, технологик ва шахсий-ижодий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган ҳамда ўзаро таъсир (ҳамкорлик) субъектларининг ривожланишига олиб келадиган ахборот ҳамжамияти билан ўзаро таъсир (ҳамкорлик)нинг диалог усулидир. Медиакомпетентлик умумий кўринишда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медианинг фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган жараёндир.

Медиасаводхонлик- турли шакллардаги хабарларни қўллаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва узатиш қобилиятидир. Яъни, янги маълумотларни олиш интилиш, ўз шахсий компетентлигини ривожлантириш, зарурий бадий адабиётларни излаб топиш, медиа маҳсулотлар билан мулоқотда бўлиш, мустақил равишда медиаматнларни шакллантириш малакасига эга бўлиш кабилар.

Хулоса ўрнида эса медиатаълим орқали ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш натижасида фарзандларимизнинг илм-фан ва маданият бойликларини ўзлаштиришлари, дунёдаги ўз тенгдошлари билан беллаша оладиган юксак интеллектуал авлодни бўлиб шаклланишига эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз”. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда).